

Aziza F. MANNOPOVA,
*Junior Research Fellow of the Sources
 Treasury Department of the International
 Islamic Academy of Uzbekistan
 A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
 E-mail: osiyo_09@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/4

АБУ ЮСУФНИНГ «КИТОБ АЛ-ХАРОЖ» АСАРИ МАВЗУЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF THE THEMES IN ABU YUSUF'S «KITAB AL-KHARAJ»

АНАЛИЗ ТЕМ ТРУДА «КИТАБ АЛЬ-ХАРАДЖ» АБУ ЮСУФА

КИРИШ

Ханафий мазҳабининг буюк фақиҳи ва мужтаҳиди Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий (731-798) қаламига мансуб аббосий ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид (766-809) илтимосига биноан ёзилган «Китоб ал-харож» асари ўз мавзуси бўйича энг машҳур китоблардан саналади. Имом Абу Юсуф нафақат ханафий мазҳаби етакчиси, балки давлат бошқарувида сиёсий мавқега эга шахс бўлган. Олим учта аббосий ҳукмдор – Муҳаммад ал-Маҳдий (775-785), Мусо ал-Ҳодий (785-786) ва Ҳорун ар-Рашид (786-809) даврида қозилик қилган. У Ҳорун ар-Рашид даврида мусулмон дунёсида илк бор қози ал-кузот, яъни давлатнинг бош қозиси лавозимига тайинланган. Бундан аввал қозиларни лавозимига тайинлаш, қозилик ишлари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш ҳукмдор томонидан амалга оширилган бўлса, қози ал-кузот лавозими жорий қилиниши билан мазкур масалалар бош қози ваколатига ўтказилган. Абу Юсуф лавозими доирасидан келиб чиқиб давлат бошқарувининг турли соҳаларида бевосита иштирок этган.

Ислом ҳуқуқида солиқ мавзусида алоҳида китоблар ёзилишининг сабаблари сифатида янги фикҳий мазҳабга асос солиниши ёки давлат бошқарувида янги ҳукмдор тайинланиши, шунингдек, мусулмон диёрларининг ҳудуди кенгайиб боришини кўрсатиш мумкин. Абу Юсуфнинг «Китоб ал-харож» асарининг ёзилишига юқоридаги омилларнинг барчаси сабаб бўлган десак муболаға бўлмайди. Тарихдан маълумки, ҳижрий II асрда бир томондан ханафийлик мазҳаби юзага

келиб, тарқала бошлаган бўлса, бошқа тарафдан аббосийлар салтанати Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлик йилларида янада кенгайиб, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, илмий-маданий юксалиш кузатилган. Жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллар – солиқ тизимини тўғри йўлга қўйиш ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш давр талабига айланган. Шунинг эътиборига олган ҳолда, муаллиф «Китоб ал-харож» асарида давлат харажатларини маблағ билан таъминлашда солиқларнинг ўрни ва роли, солиқ турлари, миқдори, уларни йиғиш, жамият ва давлат эҳтиёжлари учун тақсимлаш тартиби, солиқ тўловчилар ва солиқ йиғувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ислом ҳуқуқий нормаларини баён қилиб, ҳукмдорга тақдим этган.

Манбаларда асарнинг номи «Рисола фи ал-харож ила Ҳорун Рашид» шаклида ҳам келгани бир неча бор кузатилди, лекин унинг ёзилган санаси ҳақида аниқ маълумотлар учрамади. Шундай бўлсада, муаллиф асарини Ҳорун ар-Рашид ҳукмдорлигининг дастлабки йиллари – 786-790 йиллар орасида ёзган деб тахмин қилиш мумкин, сабаби Абу Юсуф Ҳорун ар-Рашиддан аввалги икки ҳукмдор даврида ҳам қозилик қилган бўлиб, давлатдаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни яхши билган. Табиийки, ҳукмдор олимнинг нафақат диний, балки дунёвий билимлари кучли ҳамда амалий тажрибаси катта эканини ҳисобга олиб, давлат бошқарувида ўзи учун қўлланма бўладиган китоб ёзиб беришни давлат бош қозиси Абу Юсуфга топширган. Муаллиф бу ишни аъло даражада бажарган, сабаби мазкур асар нафақат ўз даврининг иқтисодий ва ижтимоий масалалари ечимида қўлланма, балки кейинги даврларда ҳам амалда кенг фойдаланилган фундаментал асарлардан бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Китоб ал-харож» асари ханафий мазҳаби бўйича битилган илк ёзма манбалардан ҳисобланиб, мусулмон ёзма анъанасининг бизгача етиб келган бебаҳо ёдгорлигидир. Имом Абу Юсуфдан аввал ҳукмдор Маҳдийнинг вазири Муовия ибн Убайдуллоҳ ибн Ясор Ашъарий (ваф. 170/786) ҳам «харож» мавзусида китоб ёзган, лекин унинг асари бизгача етиб келмаган.

Аннотация. Мақола ҳанафий мазҳабининг иккинчи имоми, ислом тарихида илк бор бош қози лавозимини эгаллаган фақиҳ Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Қуфий (731-798)нинг энг машҳур асари «Китоб ал-хароҷ» мавзулари таҳлиliga бағишланган. Ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид (766-809) илтимосига биноан ёзилган мазкур асарида Абу Юсуф ислом динидаги солиқ тизимини кенг маънода ёритиб берган. Асар мавзулари кенг қамровли бўлиб, унда солиқ турларидан ташқари ердан фойдаланиш, ерга ишлов бериш, сувдан фойдаланиш, халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсат, бошқа дин вакиллари билан муносабатдаги бағрикенглик, жамиятдаги ахлоқсизлик ва жинойятларга барҳам бериш каби муҳим масалалар таҳлил қилинган.

Асосий қисмда ҳижрий II-IV асрларда яшаб ижод қилган Яҳё ибн Одам, Абу Убайд Қосим ибн Саллом, Қудома ибн Жаъфар каби олимларнинг хароҷ мавзусида ёзилган асарларига қисман тўхталиб ўтилган. Сўнгра Абу Юсуфнинг «Китоб ал-хароҷ» асари ва ундаги мавзулар, асарнинг замонавий нашрлари ва таржималари тўғрисида батафсил маълумот берилган ҳамда хароҷ сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари очиқ берилган. Муҳокама қисмида исломдаги солиқ тизимининг шаклланиш жараёнлари, хароҷ, ушр, закот, жизя каби солиқ турлари, уларни йиғиш билан боғлиқ масалалар, Абу Юсуфнинг наздида хароҷ тушунчаси, олимнинг масалалар ечимидаги ўзига хос ёндашуви асардан мисоллар келтириб таҳлил қилинган. Мақоланинг натижа қисмида асарда келтирилган Қуръон оятлари ва ривоят қилинган ҳадислар сони ўрганилган, муаллифнинг асар ёзишда қўллаган услуби, фойдаланган усул ва қоидалари кўрсатилган.

Калим сўзлар: Китоб ал-хароҷ, Абу Юсуф, Ҳорун ар-Рашид, аббосийлар, фай, хароҷ, ушр, закот, жизя, зиммий.

Abstract. This article is dedicated to the analysis of the thematic content of the most renowned work by the second imam of the Hanafi school and the first chief judge in Islamic history – the jurist Abu Yusuf Ya'qub ibn Ibrahim al-Kufi (731–798), titled Kitab al-Kharaj. Written at the request of Caliph Harun al-Rashid (766–809), this work provides an in-depth exploration of the Islamic taxation system. Its scope extends beyond the classification of taxes to address critical issues such as land use, cultivation, water management, foreign policy in international relations, tolerance towards adherents of other religions, and measures to prevent immorality and crime in society. These significant topics are analyzed comprehensively, and their solutions are proposed.

The main part of the article briefly reviews works on kharaj written by scholars such as Yahya ibn Adam, Abu Ubayd Qasim ibn Sallam, and Qudama ibn Ja'far, who lived and wrote during the 2nd-4th centuries AH. It then provides detailed information about Abu Yusuf's Kitab al-Kharaj, its themes, modern editions, and translations, while also explaining the lexical and terminological meanings of the term kharaj. The discussion section examines the development of the Islamic taxation system, including types of taxes such as kharaj, ushr, zakat, and jizya, as well as issues related to their collection. Abu Yusuf's interpretation of the term kharaj and his distinctive approach to problem-solving are analyzed with examples drawn from his work. In the conclusion, the article investigates the number of Qur'anic verses and hadiths cited in the work, while also examining the author's writing style, methods, and principles employed in composing the treatise.

Keywords: Kitab al-Kharaj, Abu Yusuf, Harun al-Rashid, Abbasids, fay, kharaj, ushr, zakat, jizya, dhimmi.

Аннотация. Статья посвящена анализу тематики самого известного произведения второго имама ханафитского мазхаба, первого верховного судьи в истории ислама – факиха Абу Юсуфа Якуба ибн Ибрахима аль-Куфи (731–798) «Китаб аль-харадж». По просьбе правителя Харуна ар-Рашида (766–809) Абу Юсуф написал это произведение, в котором подробно осветил налоговую систему в исламе. Тематика произведения обширна: помимо видов налогов в нём рассматриваются вопросы использования земли, её обработки, использования воды, внешней политики в международных отношениях, толерантности к представителям других религий, предотвращения аморальности и преступности в обществе. Все эти важные вопросы подробно проанализированы.

В основной части частично рассматриваются труды по теме хараджа, написанные такими учёными, как Яхья ибн Адам, Абу Убайд Касим ибн Саллам, Кудома ибн Джафар, которые жили и оставили свои труды во II–IV веках по хиджре. Далее представлена подробная информация о произведении Абу Юсуфа «Китаб аль-харадж», его темах, современных изданиях и переводах, а также разъясняется лексическое и терминологическое значение слова «харадж». В разделе обсуждения анализируются вопросы формирования налоговой системы в исламе, виды налогов, такие как харадж, ушр, закят, джизья, проблемы, связанные с их сбором, понимание термина «харадж» Абу Юсуфом и его оригинальный подход к решению вопросов с примерами из произведения. В заключительной части статьи изучается количество упомянутых в труде коранических аятов и хадисов, а также рассматриваются стиль автора, используемые методы и правила написания произведения.

Ключевые слова: Китаб аль-харадж, Абу Юсуф, Харун ар-Рашид, аббасиды, фай, харадж, ушр, закят, джизья, зимми.

Ислом тарихида ҳижрий II-IV асрларда Абу Юсуфдан кейин «харож» мавзусида китоб ёзган муаллифлардан Яхё ибн Одам (ваф. 203/818), Абу Убайд Қосим ибн Салом (ваф. 224/839), Қудом ибн Жаъфар (ваф. 320/932)ни кўрсатиш мумкин. Яхё ибн Одамнинг асари «Китоб ал-харож», Қудом ибн Жаъфарнинг асари «ал-Харож ва синоат ал-китоба», Абу Убайд Қосим ибн Саломнинг асари эса «Китоб ал-амвол», деб номланган. Мазкур муаллифларнинг асарларида Абу Юсуфнинг «Китоб ал-харож» асарига тўғридан-тўғри ишора қилинмаган бўлсада, лекин уларда ёритилган мавзулар ўрганиб чиқилса, аксарият мавзулар Абу Юсуфнинг асаридан намуна олиниб ёзилганини кўриш мумкин.

Яхё ибн Одамнинг «Китоб ал-харож» асари мисрлик олим доктор Хусайн Мунис (1911-1996) томонидан нашрга тайёрланган нусхасига кўра 4 та бўлим, 33 та фаслдан иборат. Асарда ўлжалар ва фай, харож ва ушр ерлари, зиммийларнинг ерларига оид масалалар, Бану Тағлиб насронийларининг мол-мулклари, Умар разияллоҳу анхунинг васияти, жизя солиғи тўлайдиганлар, хурмо ва экин экиш, ер ва сувга оид масалалар, солиқ йиғишда қўлланиладиган ўлчов бирликлари ва бошқа масаллар баён қилинган (Яхё ибн Одам, 1987). Муаллиф асарни ёзишда баён услубини қўллаган, яъни боб мавзусига оид ҳадис ва ривоятларни кетма-кет бериб кетган. Ҳадисларни шарҳламаган, мавзу доирасидаги фарқли фикрларни таҳлил қилмаган ҳамда мисоллар келтирмаган. Асарда келган ҳадис ва ривоятларнинг сони 640 та кўрсатилган бўлиб, Қуръон оятларининг сони ҳам юқоридаги ҳисобга киритилган.

Абу Убайд Қосим ибн Саломнинг «Китобу-л-амвол» асари мисрлик олим Абу Анас Саййид ибн Ражаб (1960) томонидан нашрга тайёрланган нусхасига кўра 2 жилд, 4 та бўлим, 403 та фаслдан иборат. Мазкур асар ҳажман анча катта бўлиб, муаллиф уни подшоҳ ва халқнинг ҳақ-ҳуқулари ҳамда мол-мулк турларини тавсифлаш билан бошлаган. Сўнгра, фай ўлжаси, жизя солиғига оид масалалар, фатҳлар ва сулҳ тузиш, Умар разияллоҳу анхунинг Савод¹ ерлари борасида тутган йўли ҳамда харожга оид масалалар, Расулulloҳ (с.а.в.) тузган аҳдномалари, файъ ва ўлжаларни тақсимлаш, бўлиб берилган ерлар, бешдан бир улушга оид масалалар, закот ва ушрга оид масалалар, ўлчов бирликлари ва

бошқа масалалар баён қилинган (Абу Убайд, 2007). Муаллиф мавзуни баён қилишда дастлаб оят ва ҳадислар, кейин саҳоба ва тобеъинларнинг сўзлари, сўнгра Суфён Саврий (716-778), Молик ибн Анас (711-795), Лайс ибн Саъд (712-791) ва Абу Ҳанифа (699-767) каби фақиҳ олимларнинг сўзларилан фойдаланган. Оят ва ҳадисларни шарҳлаган, олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, мавзу бўйича фикрларини билдирган.

Қудом ибн Жаъфарнинг «Китоб ал-харож» ва синоату-л-китоба» асари доктор Муҳаммад Хусайн Зубайдий (1932-2020) томонидан нашрга тайёрланган нусхасига кўра 4 та бўлим, 39 та бобдан иборат. Китоб муқаддимасида Зубайдийнинг ёзишича, мазкур асар аслида 8 та бўлимдан иборат бўлган, бизгача бошидаги 4 та бўлими етиб келмаган. Асарнинг қўлёзма нусхалари 5-бўлимдан бошланган ва унда 3 ва 4 бўлимлар номи ҳамда уларда ёритилган мавзуларга ишора қилиб ўтилган, 1- ва 2- бўлимлар ҳақида эса маълумотлар мавжуд эмас. Муаллиф асарни ёзишда Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас, Абу Юсуф, Зуфар (728-775), Суфён Саврий каби фақиҳларнинг фикрлари, шунингдек, Яхё ибн Одамнинг «Китоб ал-харож», Ибн Хурдодбех (ваф. 820/913)нинг «ал-Масолик ва-л-мамолик», Абу Убайднинг «Китоб ал-амвол», Аҳмад Балозурий (ваф. 278-279/891-892)нинг «Футуҳу-л-булдон» асарларидан фойдаланган. Зубайдий асарга араб мақолларидан мисол келтириб «ما لم يدرك كله لا يترك جله» – «Ма лам йудрак куллаҳу ла йутраку жуллаҳу», яъни, «Ҳаммаси етиб келмаган бўлсада, асосий мағзини йўқотмаган китоб», деб таъриф берган (Қудом, 1981). Асарнинг 5-бўлими 11 бобдан иборат, уларда «Аскарлар девони», «Нафақалар девони», «Аҳдномалар девони», «Мухрлар девони», «Миршаблар ва жиноий ҳолатлар девони» «Хат-хабар хизмати девони» ва бошқа девонлар ҳақида маълумот берилган. 6-бўлим 7 бобдан иборат, уларда ишлов берилган ерларга оид масалалар кўрилган. 7 бўлим 19 бобдан иборат, уларда фай ўлжаси, бешдан бир улуш, жизя, ушр закот, маъданлар, конлар, денгиз маҳсулотлари, тижорат молларига оид масалалар ўрганилган. 8-бўлим 12 та бобдан иборат, уларда инсонларнинг маиший ҳаётидаги озик-овқат, кийим-кечак, тилла-кумушга бўлган эҳтиёжи каби моддий, оила қуриш, жамиятни бошқариш, сиёсат юритиш каби ижтимоий масалалар ўрганилган. Қудоманинг «Харож ва китобат санъати» асари номига муносиб равишда унда турли девонлар ва

¹ Савод – Ироқнинг жанубий қисми. Хурмолари ва экинлари кўп ҳудуд бўлгани учун узокдан келадиганларга қора рангда кўринган ва шу сабабли Савод, деб номланган. Асвад араб тилида қора рангни билдиради.

солиқлар билан боғлиқ масалаларни ёзиб борилиш тарихи ўрганилгани билан ўзига хосдир.

Абу Юсуфнинг «Китоб ал-хароҷ» асари номига кўра солиқ турларига бағишланган ислом молиясига оид китоб бўлса ҳам, унда ёритилган мавзулар муомалот фикҳидаги деярли барча мавзуларни қамраб олади. Шунингдек, асарда аббосийлар даврига оид муҳим тарихий ва географик маълумотлар ўз аксини топган. Асар нафақат ислом тарихининг турли давларида балки XIX аср охири XX аср бошларидаёқ шарқ ва ғарб олимлари эътиборига тушиб, ҳозирги кунга қадар бир неча бор нашр қилинган ҳамда бошқа тилларга таржима қилинган. Китобнинг илк наشري 1885 йилда Қоҳирадаги «Булок» нашриётида чоп этилган. Кейинроқ 1927 ҳамда 1932 йилларда «Салафийя» нашриётида нашр этилган (Абу Юсуф, 2017:21). 1978 йилда мисрлик олим Муҳаммад Иброҳим Банно (1933-2012) томонидан таҳқиқ этилиб, «Дор ал-ислоҳ ли-н-нашр ва-т-тавзе» нашриётида, 1985 йилда фаластинлик олим Эҳсон Аббос (1920-2003) томонидан таҳқиқ этилиб, Байрутдаги «Дор аш-шурук» нашриётида, 1999 йилда мисрлик олимлар Тоҳа Абдурауф Саъд ҳамда Саъд Ҳасан Муҳаммад томонидан таҳқиқ этилиб, «Ал-Мактаба ал-азҳарийя ли-т-турос» нашриётида, 2009 йилда иорданиялик олим Муҳаммад Абдулҳафиз Маносир томонидан таҳқиқ этилиб, Аммондаги «Дор кунуз ал-маърифати-л-илмийя» нашриётида чоп этилган (Абу Юсуф, 2009:69-70).

Асарнинг таржималарига тўхталадиган бўлсак, XX аср бошларида аввал француз тилига, кейинроқ эса рус ва инглиз тилларига таржима қилиниб чоп этилган. Жумладан, Э.Фаньян (1846-1931) томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1921 йилда нашр қилинган. А.Бен-Шемеш (1889-1988) томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, 1969 йилда нашр қилинган. Мазкур нашрда асарнинг фақат солиққа оид боблари инглиз тилига таржима қилинган холос. XX асрнинг тахминан 30-йилларида А.Э.Шмидт (1871-1939) томонидан рус тилига таржима қилинган. 80-йиллар ўрталарида А.С.Боголюбов (1932-1990) мазкур таржима матнини ўрганиб чиқиб, таржимага асос бўлган манбаларга солиштирган ҳолда тўлдириб нашрга тайёрлайди. Лекин, олимнинг тўсатдан вафот этиши сабабли бу иш охирига етказилмай қолади. Ва нихоят А.А.Хисматулин (1966) А.Э.Шмидт ва А.С.Боголюбовлар томонидан рус тилига қилинган таржима матнлари асосида «Китоб ал-хароҷ» асарини 2001 йилда нашрга тайёрлаган (Абу

Йусуф, 2001). Юқорида зикр қилинган француз, инглиз ва рус тилидаги таржима муаллифлари ўз таржималари асарнинг қўлёзма нусхалари билан бир қаторда 1885 йилда «Булок» нашриётида чоп этилган илк тошбосма нусхаси асосида амалга оширилганига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

Шу ўринда «Китоб ал-хароҷ» асари юридик фанлари доктори, профессор Ж.Тошқулов тавсиясига биноан А.Маннапова томонидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб, баъзи қисқартиришлар билан 2021 йилда «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриётида нашр қилиниб (Имом Абу Юсуф, 2021) китобхонларга тақдим этилганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Абу Юсуф асарининг таркибий тузилиши доктор Муҳаммад Иброҳим Банно томонидан нашрга тайёрланган нусхасига кўра муқаддима ҳамда алоҳида номлар билан номланган 34 та боб ва 131 та фаслдан иборат. Уларда бешдан бир улуши, фай ўлжаси, хароҷ, ушр, жизя, закот солиғи ҳамда нисобга оид масалалар, Саводни бошқариш ишлари, Шом ва Жазира ерлари, ташландик ерга ишлов бериш, денгиз маҳсулотлари, сув чиқарувчи иншоотлар, ерости каналлари, қудуқлар, анҳорлар ва сувдан фойдаланиш, яйловлар, Нажрон ва унинг аҳолиси қиссаси, Бану Тағлиб қабиласи насронийлари ва бошқа зиммийларнинг мавкеи ҳамда уларга қандай муносабатда бўлиш, ахлоқсиз, ўғрилик билан шуғулланадиган кимсалар ва жиноятларга бериладиган жазолар, волийлар ва қозиларнинг маоши, аҳли ҳарблар билан муносабатга оид масалалар, уруш ҳолатидаги масалалар, сулҳ тузиш, омонлик бериш, фатҳлар, мусулмон бўлмаганларга таъзия билдириш каби муомалот фикҳига оид кенг қамровли масалалар ўрганилган. Абу Юсуф асарда савол-жавоб услубини қўллаган, яъни ҳукмдор томонидан сўралган ҳар бир масалага батафсил жавоб берган ва бу саволлар умумий йигирма тўққизта бўлиб, асарнинг боблари ҳам мазкур саволлар доирасида номланган. Ўз навбатида муаллиф айнан ҳукмдор томонидан сўралмаган, лекин у сўраган масалаларга алоқадор бошқа мавзуларни ҳам ёритиб ўтган.

Муаллиф китоб муқаддимасини ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид ундан солиқларни йиғишда қўлланма бўладиган китоб ёзиб беришини сўраганига алоҳида урғу берган ҳолда қуйидагича бошлаган: «Буни – Абу Юсуф (Аллоҳ унга раҳм қилсин) мўминлар амири Ҳорун ар-Рашид учун ёзди. Аллоҳ мўминлар амирининг умрини зиёда қилсин, унинг шон-шухрати ва кадр-қимматини

бардавом қилсин, Ўзининг марҳамати билан уни абадий тугамайдиган охират неъматлари ва Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлиш билан неъматлантисин. Мўминлар амири (Аллоҳ уни қўллаб-қувватласин) мендан ўзи учун харож, ушр, закот, жизя ва бошқа солиқларни йиғишда мазкур ишнинг моҳиятини англаб, унга мувофиқ иш тутишида қўлланма бўладиган китоб ёзиб беришимни сўради. Бу китобни ёздиришдан мақсади – фуқароларига зулм (жабр) қилмаслик ҳамда уларнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат. Аллоҳ мўминлар амирини кўзлаган ишига муваффақ қилсин, уни тўғри йўлга бошлаб, мақсадига эришишида ёрдам берсин, уни ташвишга солаётган нарсадан саломат қилсин. У сўраётган нарсасини амалда қўллай олиши учун мендан аниқ баён қилиб, тушунтириб ва шарҳлаб беришимни сўради. Мен ҳаммасини тушунтирдим ва шарҳладим» (Имом Абу Юсуф, 2021:8). Шунингдек, Абу Юсуф муқаддимада Аллоҳни зикр қилиш ва Расулуллоҳ (с.а.в)га саловат айтишнинг фазилати, бошлиқларни ҳурмат қилиш ва уларга бўйсунуш, бирор ишга бош бўлган инсон вазифаларига масъулият билан ёндашиши, ҳар бир ишда адолатли бўлиш, инсонларга зулм қилмаслик каби масалаларни чиройли тарзда баён қилган.

Китобдаги баъзи мавзуларни ўрганишдан аввал «харож» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларига тўхталиб ўтамиз. «Харож» (الْخَرَج) «чиқиш» ўзагидан олинган бўлиб, бир нечта маъноларга эга. Биринчиси, «харож» деб барча чиқарилган нарсаларга айтилади. Абу Исҳоқ Зажжож (857-923): «Харож – чиқарилган нарсанинг номи», деган (Ибн Манзур, 2000). Иккинчиси, «харож» деб ғалла, яъни ҳосилга айтилади. Абу Мансур Азҳарий (895-981): «Харож – бу ҳосил», деган (Абу Мансур Азҳарий, йили кўрсатилмаган: VII/49). Учинчиси, «харож» деганда жизя солиғи ҳам тушуниладиган. Ибн Манзур (1233-1312): «Харож – одамларнинг молларидан олинадиган солиқ, шунингдек, зиммийлардан олинадиган жизя солиғи ҳам «харож» дейилади, чунки бу уларга белгиланган солиқ ҳисобланади», деган (Ибн Манзур, 2000). Тўртинчиси, «харож»-нинг ажр, ҳақ деган маънолари ҳам мавжуд. Бунга Қуръондаги «Мўминун» сураси 72-оят мисол бўлади: «(Эй, Мухаммад!) Ёки Сиз улардан харж (ҳақ) сўрамоқдамисиз! Раббингизнинг харжи (ажри) яхшироқдир. У ризқ берувчиларнинг яхшисидир!» (Абдулазиз Мансур, 2016). Демак, «чиқарилган нарсанинг номи», «ҳосил», «жизя», «ҳақ» – «харож» сўзининг луғавий маъноларидан

ҳисобланиб, умумий олганда бу маъноларнинг барчаси биринчи маъно – «чиқарилган нарсанинг номи» билан боғлиқ, яъни, «ҳосил», «жизя», «ҳақ» сўзлари муайян иш учун чиқариладиган мол ёки тўланадиган ҳақни англатади.

«Харож» сўзининг истилоҳий маъноси ҳам унинг луғавий маънолари билан узвий боғлиқ бўлиб, ислом фикҳида ерга оид солиқлар «харож» истилоҳи билан ифодаланган. Абул Ҳасан Мовардий (974-1058): «Харож – ерга ундан олинадиган ҳосил эвазига солинадиган солиқ», деган (Мовардий, 1989:186). Алоуддин Самарқандий (1095-1144): «Фатҳ қилинган барча ерлар ўз эгалари қўлида қолдирилиб, улар исломни қабул қилмасалар жизя солиғи, исломни қабул қилсалар ёки қилмасалар ҳам харож солиғи солинган», деган (Самарқандий, 1984:1/320). Шунга кўра ерга ким эгалик қилишидан қатъий назар харож ердан олинадиган солиқдир. Шариф Журжоний (1339-1413): «Харож – Умар разияллоҳу анҳу Савод аҳлига белгиллагани каби ерга солинадиган муайян солиқ», деган (Журжоний, 2004:86). Мухаммад Шавконий (1759-1834): «Харож – бу ер солиғидир», деган (Шавконий, 1994:III/671). Ислом тарихида «харож» ер солиғи сифатида илк бор Умар разияллоҳу анҳу томонидан жорий қилиниб, Савод ерларига солинган. Бу ҳақда Абу Юсуф ўз китобида батафсил тўхталиб ўтган (Имом Абу Юсуф, 2021:44-60).

Кейинчалик фақиҳлар «харож»нинг умумий ва хос маъноларини ажратганлар. Умумий маънода харож – турли солиқлар ҳисобига давлат хазинасида йиғиладиган ва керакли ўринларга сарфланадиган маблағни англатган. Хос маънода эса, давлат томонидан ҳосил берадиган ерларга солинадиган муайян йиллик солиқни билдирган. Ўзбек тилига «харож» сўзи «хирож» шаклида ўзлашган бўлиб, илмий адабиётларда иккала шакл ҳам қўлланилади².

МУҲОКАМА

«Китоб ал-харож» асарида исломдаги харож, ушр, закот, жизя каби солиқ турларининг жорий қилиниши, уларни белгилаш ҳамда йиғишдаги мезонлар, солиқдан тушган даромадлар сарфланадиган ўринлар батафсил ўрганилган.

² Кўп манбаларда «харож» сўзи асар номи таркибида, умумий солиқ маъносидаги фикҳий истилоҳ сифатида келган ўринларда «харож» шаклида, асарнинг ўзбекча таржимасидан иқтибос олинган ўринларда «хирож» шаклида берилди.

Абу Юсуфнинг наздида «харож» истилоҳи нимани англатган? Асарнинг «Фай³ ўлжаси ва ер солиғи»га бағишланган 2-бобида муаллиф шундай дейди: «Эй мўминлар амири, фай ўлжаси ҳақида айтадиган бўлсам, бизнингча у харож – ер солиғидир» (Имом Абу Юсуф, 2021:37). Сўнгра, бу сўзини Қуръон оятлари ҳамда ривоятлар билан асослаб беради. Хусусан, Умар разияллоҳу анҳу даврида фатҳ қилинган ерлар аскарлар ўртасида бўлиб берилиши талаб қилингани, Умар разияллоҳу анҳу эса уларнинг бу талабини рад этгани, бу масалани яхши ўрганиб чиққач ерларни ўз эгаларида қолдириб, ер учун харож ва жонлари учун жия солиғи солгани, сўнгра Ироқ ерлари ўлчаниб, ердан олинадиган ҳосилга мос равишда солиқ белгилангани, Умар разияллоҳу анҳу вафот этгунига қадар, Куфа ерларидан юз миллион дирҳам солиқ тўланганига оид асосли маълумотларни келтиради.

Муаллиф бу бобни «Умар разияллоҳу анҳунинг фикри – ерларни фатҳ қилганлар ўртасида тақсимланишини ман қилиш эди. Унинг бу қилган иши Аллоҳ томонидан берилган ёрдам бўлиб, Аллоҳ ўз китобида баён қилган нарсаларга мувофиқ келди. Бу ишда барча мусулмонлар учун яхшилик бўлиб, харожни йиғиб уни мусулмонлар ўртасида тақсимлаш фикри уларнинг барчалари учун фойдали бўлди» (Имом Абу Юсуф, 2021:43), деб яқунлаб, Умар разияллоҳу анҳу томонидан харож солиғининг жорий қилинишининг ижтимоий ва иқтисодий фойдаларига урғу бериб ўтади.

Абу Юсуфнинг фай ўлжасини ер солиғи дейиши шу боб мавзусига хос бўлиб, фатҳ ерлари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан фай билан боғлаган. Аслида муаллиф наздида «харож» кенг ва умумий тушунчадир, сабаби у бутун бошли асарини «Китоб ал-харож» деб номлаган ва унда солиқ турлари ҳамда уларга оид масалаларни юқоридаги каби ўзига хос услубда баён қилган. Шунингдек, Абу Юсуф ўрганилаётган масала ечимини топишда Қуръон ва ҳадис, саҳобаларнинг тутган йўлларини баён этиш билан кифояланмаган. Балки ўрганилаётган соҳа вакиллари билан учрашиб, амалдаги вазиятни ўрганиб, масалага ҳар томонлама самарали ечимлар беришга ҳаракат қилган. Масалан, асарнинг «Савод ерларидан солиқ йиғишда қилиниши лозим бўлган ишлар»

³ Фай (араб. ўлжа) – мусулмонлар душманларидан тинч йўл орқали қўлга киритган барча нарсалар. Расулulloҳ (с.а.в.) давларида фай у зотга тегишли ҳисобланган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин эса фай мусулмонларнинг умумий манфаатлари учун сарфланадиган бўлган.

номли 6-бобида муаллиф шундай дейди: «Мен Савод ерларининг харожи ҳамда у ерлардан солиқ йиғиш усуллариини ўрганиб чиқдим. Сўнгра, харож илмини яхши биладиган кишилар ва бошқаларни тўплаб, мазкур масалада улар билан баҳслашдим. Лекин, уларнинг ҳаммаси бу борада қилиниши лозим бўлмаган ишларни айтишди. Мен улар билан Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳукмдорлиги даврида белгиланган ер харожи ва олинадиган солиқлар у ерларнинг имкон даражасидан ортиқ бўлмаслиги ҳақида баҳслаша бошладим: «Умар разияллоҳу анҳу Ҳузайфа ва Усмондан: «Балки, ерларга кўтармайдиган даражада солиқ солгандирсизлар?» деб сўради. Ўша вақтда Усмон Фрот дарёси қирғоғидаги ерларнинг, Ҳузайфа эса Дажла дарёси ортидаги Жувхадан бошлаб Дажла билан суғориладиган ерларнинг солиқ йиғувчиси эди. Усмон: «Мен ерларга уларга муносиб даражада солиқ солдим, агар хоҳласам, икки баробар солиқ солар эдим», деди. Ҳузайфа: «Мен ерларга уларнинг тоқатига яраша солиқ солдим, лекин ундан кўп ортиб қолгани йўқ», деди. Демак, уларнинг ерларидан белгиланган солиқларни тўлашга етадиган ҳосил олинган. Зеро, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг иккита саҳобаси бу ҳақда маълумот беришти ва бизга бирор кишидан бу маълумотга зид хабар етиб келмаган». Улар⁴ эса шундай дедилар: «Ўша вақтда ишлов берилган ерлар кўп бўлиб, ташландиқ ерлар кам эди. Ҳозир ишлов берилган ва фойдаланилмайдиган ерлар кўп, ишлов берилган ва фойдаланиладиган ерлар кам. Агар, ҳозир ишлов берилган ва фойдаланилмайдиган ерлардан ишлов берилган ва фойдаланиладиган ерларга белгилангандек⁵ харож солиғи олинадиган бўлса, айна вақтда ишлов берилмаган ва экин экилмаган ерларга ишлов беришни бошлаймиз. Лекин, қўлимиздаги нарса камлиги учун бу ерларга ишлов беролмаймиз ва ернинг харожини тўлаш бизларга оғирлик қилади. Юз йил, ундан кўпроқ ёки камроқ вақтдан бери ташландиқ ҳолда ётган ерларга яқин вақт ичида ишлов бериш ва улардан фойда олиш имкони йўқ. Чунки, ерга ишлов бермоқчи бўлган одамга озиқ-овқат ва сарф-харажатлар керак бўлади. Ташландиқ ерларга ишлов беришни хоҳламаслигимиз сабаби мана шудир» (Имом Абу Юсуф, 2021:76).

Мавзуни давомидида муаллиф солиқлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан олиними ёки пул биланми, нарх-навони ошиш-тушиши каби

⁴ Абу Юсуф харож солиғи борасида маслаҳатлашган кишилар назарда тутиляпти.

⁵ Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу давларида белгиланган харож солиғи назарда тутиляпти.

масалаларни таҳлил қилиб, охирида қуйидаги хулосани беради: «Харож тўлайдиганлар борасида – улардан солиқ озик-овқат маҳсулотлари билан олинадими ёки пул билан, қатъий белгиланган тартиб билан ернинг майдони ёки ҳосилнинг сифати асосида олинishi керак. Солиқ қандай шаклда олинмасин, қучлилар қучсизлардан устун келиб, уни ўзлаштириб оладилар ва харожни имкони йўқларга уларнинг хоҳишига қарши юклаб қўядилар. Яна шу масала билан боғлиқ кўп муаммолар борки, агар кўп вақтни олмаганида уларни ҳам тушунтириб берар эдим. Лекин, мен бу масалаларни сенга баён қилганман ва Аллоҳнинг иродаси билан харож, ушр, закот ва жизя ҳамда шу каби бошқа солиқларни йиғишда етарли бўлади деб умид қиламан (Имом Абу Юсуф, 2021:77).

Асарда ушр солиғи мусулмонларнинг деҳқончилик маҳсулотларидан, шунингдек, бошқа дин вакиллариининг тижорат маҳсулотларидан олинадиган солиқ сифатида кўрилган. Харож солиғи дастлаб мусулмонлардан олинмагани учун ҳудудлар ҳам аҳолисига қараб харож ерлари ва ушр ерларига ажратилган, солиқлар ҳам шунга қараб белгиланган. Шунингдек, Абу Юсуф солиқларни белгилашда деҳқонларнинг меҳнати, маҳсулотнинг сақланиш муддати ҳамда ҳосилнинг миқдори каби жиҳатлар ҳисобга олиншини таъкидлаб, бу борада етарли далилларни келтиради. Жумладан: «Мевалар ва экинлардан олинадиган ушр ва закот солиғи, фақатгина ушр солиғи олинадиган ерлардан олинади. Бу ҳақда ривоятлар келган ва суннатда бор. Табиий суғориладиган ерлардан ушр, челак, меш ва қудукдан сув тортадиган туялар ёрдамида сунъий суғориладиган ерлардан ушрнинг ярми олинади. Бунга биз кўрган уламоларимизнинг сўзлари ва бу борада келган ривоятлар асосида ижмо қилинган.

Мен ушр солиғи фақатгина одамларнинг қўлида сақлаб бўладиган маҳсулотлардан олинishi керак, узоқ сақлаб бўлмайдиган маҳсулотлар, кўкатлар ва ўтиндан эса олинмаслига керак, деб ҳисоблайман. Одамлар қўлида узоқ сақлаб бўлмайдиган маҳсулотлар – тарвуз, бодринг, ошқовок, баклажон, сабзи, кўкатлар, хушбўй ўсимликлар ва шу каби маҳсулотлардан ушр олинмайди. Одамлар қўлида узоқ сақланадиган маҳсулотларга эса қафиз ва ратл⁶ ўлчов бирликларида ўлчанадиган буғдой, арпа, гуруч, тарик, донлар, кунжут, каноп, бодом, ўрмон ёнғоғи, ёнғок, писта, заъфарон, зайтун, ёввойи

⁶ Ратл – оғирлик ўлчов бирлиги. Ратл ўлчови тарихда турли ҳудудларда турлича бўлган, масалан Ироқ ратли 406 грамм, Шом ратли 875 грамм, Миср ратли 450 граммга тенг бўлган.

заъфарон, кашнич уруғи, зира, арпабодиён, пиёз, саримсоқ пиёз ва шу қабилар қиради. Агар, ердан олинадиган ҳосил беш васак⁷ ва ундан кўпроқ бўлиб, оқар сув ёки ёмғир ёрдамида суғориладиган ерда етиштирилган бўлса ушр солиғи олинади. Челак, меш ва қудукдан сув тортадиган туялар ёрдамида сунъий суғориладиган ерда етиштирилган бўлса ярим ушр солиқ олинади. Агар, ердан олинадиган ҳосил беш васакдан кам бўлса ҳеч қандай солиқ олинмайди (Имом Абу Юсуф, 2021:81).

Абу Юсуф: «Беш васакдан кам ҳосилдан ушр солиғи олинмайди» деган фикрини Абу Ҳанифанинг фикрига хилоф равишда айтган. Абу Ҳанифа бу борада: «Ҳосил кам ёки кўп бўлишидан қатъий назар солиқ олинади», деган ва бунга қуйидаги ривоятни далил қилган: Ҳаммод Иброҳим Наҳайдан ривоят қилади: «Ердан олинадиган маҳсулотлар кам бўладими ёки кўп, ҳатто бир боғ кўкатдан ҳам ушр солиғи олинади» (Имом Абу Юсуф, 2021:83). Абу Юсуф эса ўзининг фикрини қуйидаги ривоят билан асослаган: Яҳё ибн Абу Унайса Абу Зубайрдан, у Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади: «Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Беш васакдан кам миқдордаги ҳосилдан закот олинмайди», деганлар (Имом Абу Юсуф, 2021:83). Бу ерда «закот» дейилишининг сабаби «закот» дастлаб деҳқончилик маҳсулотларидан ҳам олинган. Кейинчалик ушр, харож ва бошқа солиқ турлари жорий қилинган, деҳқончилик маҳсулотларидан ушр, ердан эса харож солиғи олинадиган бўлган. Асарда деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган солиқ баъзан «закот» сўзи билан, баъзан эса «ушр» сўзи билан ифодаланган.

Исломи динида солиқ тури бўлиши билан бир қаторда бой кишиларга фарз бўлган молиявий ибодат ҳисобланган «закот» масаласи ҳақида асарнинг 14-бобида ёритилган. Абу Юсуф закот олинадиган барча ҳайвон турлари, улардан олинадиган закот миқдори, закот сифатида олинадиган ҳайвоннинг сифатлари ҳақида батафсил маълумот берган. Асарнинг 15-бобида закот тўлашдан бош тортишнинг ҳаромлиги, закот сарф бўладиган ўринлар ҳамда закот йиғувчиларга лозим бўладиган нарсалар баён қилинган. Жумладан, закот йиғишга ишончли кишилар тайинланиши, уларга маош белгиланиши, закот моллари тегишли ўринларга сарфланиши ҳамда закот моллари харож солиғи билан аралаштирилмаслигига алоҳида урғу берган. Муаллиф айтади: «Харож сифатида йиғилган молларни закот сифатида йиғилган

⁷ Васак – оғирлик ўлчов бирлиги, 195 кг га тенг.

моллар ва ушр садақаси билан аралаштириб бўлмайди. Сабаби, харож сифатида йиғилган моллар барча мусулмонларга тегишли бўлиб, закот сифатида йиғилган моллар эса фақат Аллоҳ таоло Ўз китобида зикр қилганларга тегишлидир. Туя, қорамол ва қўйлардан олинган закот моли йиғилади ҳамда унга мусулмонларнинг кўчмас мулк ва бошқа молларидан ушр йиғувчи томонидан ҳисобланиб олинган ушр садақаси қўшилади, сабаби уларнинг ҳаммаси закотга тенглаштирилади. Закот ва ушр садақаси сифатида йиғилган ҳамма моллар Аллоҳ таоло Ўз китобида зикр қилганларга тақсимланади» (Имом Абу Юсуф, 2021:120).

Асарда батафсил ўрганилган яна бир солиқ тури – жизяга оид масалалар 25-бобда кўриб чиқилган. Муаллиф жизяни куйидагича таърифлаган: «Жизя солиғини тўлаш Савод ерларида яшовчи, Ҳийра ва бошқа шаҳарлар аҳолиси бўлган – яхудийлар, насронийлар, мажусийлар, собийлар⁸ ва сомирийлардан⁹ иборат барча зиммийлар учун мажбурий бўлиб, Бану Тағлиб насронийлари ва хусусан Нажрон аҳолиси бундан мустаснодир. Жизя солиғи фақат эркаклардан олинади, аёллар ва ёш болалардан олинмайди. Жизя солиғи бой кишидан 48 дирҳам, ўрта ҳол кишидан 24 дирҳам, ерга ўз қўли билан ишлов берадиган камбағал деҳқондан 12 дирҳамдан ҳар йили олинади» (Имом Абу Юсуф, 2021:180). Бу ерда Бану Тағлиб насронийлари ҳамда Нажрон аҳолиси истисно қилиб кўрсатилишининг сабаби улардан солиқ йиғишда хос йўл тutilган (Имом Абу Юсуф, 2021:177-179).

Ислом тарихида жизя солиғи зиммийлар, яъни мусулмонлар ҳимояси остида яшовчи бошқа дин вакиллариининг жон бошидан олинган ва бунинг эвазига уларнинг жони, моли, дини ва тинч-омонлиги мусулмонларнинг зиммасида бўлган. Исломда жизя солиғини белгилашда биринчи эътибор қаратилган жиҳат – жизя фақат эркаклардан олинган, аёллар ва болалар бу солиққа тортилмаган. Кейинги муҳим жиҳат эса жизя солиғи солиқ тўловчиларнинг даромадига қараб белгиланганидир. Муаллиф уларни куйидагича ажратган: «Сарроф, баззоз, ер эгаси, савдогар, даволовчи табиб каби бой кишилардан 48 дирҳам олинади. Ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланувчилардан, ҳар кимнинг ҳунари ва тижоратидан тушадиган даромадга қараб, бойларидан 48 дирҳам, ўрта ҳолларидан 24 дирҳам олинади. Кимнинг касб-кори 48 дирҳам солиқни кўтарса, ундан 48 дирҳам

олинади, кимнинг касб-кори 24 дирҳам солиқни кўтарса, ундан 24 дирҳам олинади. Қўл меҳнати билан кун кечирадиган тикувчи, бўёқчи, этикдўз, дурадгор ва шу каби касб эгаларидан 12 дирҳам олинади» (Имом Абу Юсуф, 2021:182). Шунингдек, муаллиф жизя солиғига тортилмайдиганларни ҳам кўрсатиб ўтган: «Садақа ҳисобидан кун кўрадиган мискиндан, касб-ҳунари ва иши йўқ кўзи ожиз кишидан, сурункали касалликка чалинган кишидан – у ҳам садақа ҳисобидан кун кўрса ҳамда ногирондан жизя солиғи олинмайди. Сурункали касалликка чалинган, ногирон, шунингдек кўзи ожиз кишилар бой бўлсалар, улардан жизя солиғи олинади. Монастир роҳибларидан ҳам худди шундай, улар бой бўлсалар жизя солиғи олинади. Агар улар бой кишилар берадиган садақа билан кун кечирадиган мискинлар бўлишса, жизя солиғи олинмайди. Ишлашга қодир бўлмаган ва мол-мулки йўқ қариядан, ақли ноқис кишидан жизя солиғи олинмайди» (Имом Абу Юсуф, 2021:181). Муаллиф яна жизя солиғи тўловчиларга зулм қилмасликни ҳам алоҳида таъкидлаган: «Жизя солиғини талаб қилишда зиммийларнинг ҳеч бири калтакланмайди, қуёш тиғида турғазиб қўйиш ва бошқа азобларга дучор қилинмайди, таналарига ёқимсиз нарсалар илиб қўйилмайди, балки уларга яхши муомала қилинади (Имом Абу Юсуф, 2021:182).

Абу Юсуф мазкур боб сўнигида ҳукмдорга қарата: «Эй мўминлар амири, Аллоҳ сени қўллаб қувватласин, сен қўл остингдагиларга Пайғамбаринг ва амакингни ўғли¹⁰ Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳимоясида бўлган зиммийларга яхши муносабатда бўлишни, уларга зулм қилмаслик, озор бермаслик, тоқатларидан ортиқ солиқ юкламаслик ва мол-мулкларидан олиниши керак бўлган солиқнигина олишни буюришинг керак!» (Имом Абу Юсуф, 2021:184), дейди ҳамда жизя солиғини ундиришда зулмга йўл қўйилишининг оқибатларини Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари ва Умар разияллоҳу анҳу амалга оширган ишлар билан асослаб беради.

НАТИЖА

Имом Абу Юсуф мазкур асарини устози Абу Ҳанифанинг ҳукукий назарияларига таянган ҳолда, Қуръони карим оятлари, Пайғамбар (с.а.в.)нинг

⁸ Собийлар – Қуръонда зикр қилинган диний эътиқод вакиллариининг бири.

⁹ Сомийлар – яхудийлардан ажраб чиққан фирка.

¹⁰ Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам Хорун ар-Рашидининг бешинчи бобоси бўлган Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб билан амакивачча эдилар.

ҳадислари, саҳобалар, хусусан, рошид ҳукмдорлар томонидан айтилган сўзлар, қўлланилган усул ва қоидалардан фойдаланган ҳолда ёзган. Олим масалаларга ислом қонуншунослигидаги асосий тўрт манба – Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёсдан далиллар келтириш орқали жавоб берган. Айрим ҳолатларда истехсон – афзал кўришни қўллаган ва бу борада танлаш ихтиёрини «Эй мўминлар амири, бу масалада фуқаролар учун энг яхши ҳамда давлат хазинаси учун энг фойдали деб ҳисоблаганинг ва турли фикрлар билдирилган ҳолатда ўзинг афзал кўрганинг бўйича иш тут!» (Имом Абу Юсуф, 2021:84), «Мазкур икки йўлдан қайси бирини танлашинг сенинг ихтиёрингда» (Имом Абу Юсуф, 2021:194), деб ҳукмдор Ҳорун ар-Рашиднинг ўзига ҳавола қилган. Шунингдек, масалалар ечимида ўз қарашларини ҳам баён қилган ва уларни асослаб берган.

Абу Юсуф бирор масала юзасидан Абу Ҳанифанинг фикрига қўшилмаган ҳолатларда: «Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, агар ўша қўй йил тўлмасдан ҳалок бўлса, қолган 39тадан закот олинмайди. Менинг фикримга кўра эса, туянинг 40 бўлагидан 39 бўлаги олинади» (Имом Абу Юсуф, 2021:116), деб ўз фикрини билдирган, баъзи ўринларда эса «Менинг наздимда Ҳасан ва Атонинг бу борадаги фикрлари Абу Ҳанифанинг фикридан афзалдир» (Имом Абу Юсуф, 2021:179), деб бошқа олимларнинг фикрини келтирган. Шунингдек, олим устози Абу Ҳанифанинг ҳадисга мувофиқ эмасдек кўринадиган фикрларини чиройли тарзда тушунтириб берган: «Абу Ҳанифанинг айтгани ҳадисга зид эмас, у: «Агар имомнинг рухсати билан ерга ишлов берса, бу ер унга қарашли бўлмайди», деганида, бу ҳадисга зид бўларди. «Ер унга қарашли бўлади» дейиш ҳадисга мувофиқдир, «имомнинг рухсати» билан дейиши эса, имом¹¹нинг инсонлар ўртасидаги хусуматни бартараф этиши ва бир-бирига зарар келтиришни олдини олиши учундир» (Имом Абу Юсуф, 2021:98).

Муаллиф ёритилаётган масалага оид ҳадисларни устунлик принципи асосида келтирган. Яъни, энг аввал Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари

¹¹ Имом (араб. - олдинда турувчи) – бу ўринда пешво, раҳбар маъносида қўлланган. Суннийлик таълимотига кўра, ҳукмдор барча мусулмонларнинг имоми ҳисобланган. Ҳукмдор – имомнинг асосий вазифаси динни сақлаш ва дунёвий ишларни бошқариш бўлиб, у диний қонун қоидалар ҳаётга тўғри жорий қилинаётганини назорат қилиб бориши керак бўлган. Асарда имом ҳақида сўз борганда, ҳозирги тушунчадаги масжид имомлари эмас, балки мусулмон жамоасининг раҳбари назарда тутилган.

ёки қилган ишлари, ундан сўнг рошид ҳукмдорлар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розияллоху анхумлар ва бешинчи рошид ҳукмдор ҳисобланган Умар ибн Абдулазизнинг сўзлари ёки ишлари ҳақидаги ривоятларни келтиради. Табиийки, агар кўрилатган масалага оид Қуръонда оят мавжуд бўлса, у биринчи ўринда келтирилган. Абу Юсуф китобида Қуръони каримнинг 23 та сурасининг 41 та оятидан фойдаланган. Асардаги ҳадислар сони эса саҳобаларнинг сўзлари билан ҳисоблаганда 534 та, агар исноди умуман кўрсатилмаган ривоятлар ҳам ҳисобга олинса тахминан 550 тага етади¹². Олим ҳадисларни Абу Ҳанифа, Ато ибн Соиб (ваф.753), Муғира (ваф.753), Ҳишом ибн Урва (680-763), Ибн Абу Лайло (ваф. 765), Аъмаш (680-765), Муҳаммад ибн Исҳоқ (699-767), Ҳасан ибн Умора (ваф. 770), Саид ибн Абу Аъруба (689-773), Яҳё ибн Саъид (738-814), Суфён ибн Уяйна (725-815), Ашъас ибн Саввор (ваф. 753-760) ва бошқалардан ривоят қилган. Шунингдек, асарда «куфалик, шомлик ва мадиналик олим ёки шайх ривоят қилади» ёки умумий шаклда «машойихларимиз ривоят қиладилар» каби исноди аниқ кўрсатилмаган ёки қисқартирилган ҳадислар ҳам келтирилган, шунингдек, ҳадислар келтирилмаган боблар ҳам мавжуд.

Асарда маълум бир мавзудаги масалалар тизимли равишда баён этилмаганини ҳам кузатиш мумкин, масалан, 3-боб «Саводни бошқариш ишлари» ҳақида, 6-боб «Савод ерларидан солиқ йиғишда қилиниши лозим бўлган ишлар» ҳақида, 24-боб¹³ эса «Савод ерлари ва бошқа ерларни ижарага бериш масаласи ҳамда у ерларга волий тайинлаш ва уларга бериладиган кўрсатмалар» ҳақида бўлиб, аслида мавзусига кўра мазкур масалалар умумий бир бобда берилиши керак. Асарда бу каби ҳолатлар уч-тўрт ўринда кузатилади. Эҳтимол, муаллиф томонидан мавзуларнинг бу тартибда берилиши, китоб буюртмачиси – ҳукмдордан келиб тушган саволларнинг кетма-кетлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки, ҳукмдор томонидан сўралган саволларнинг барчаси бир вақтда эмас, балки ижтимоий ҳаётда юзага келган жараёнлардан келиб чиқиб, асарнинг ёзилиши жараёнида ҳам берилган бўлиши мумкин.

¹² Мазкур сонлар асарнинг Муҳаммад Иброҳим Банно таҳқиқ қилган нусхасига асосан берилди.

¹³ *Эслатма:* Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси баъзи қисқартиришлар билан нашр қилингани сабабли, боблар сони таржимага асос қилиб олинган нусхада берилганидан қисман фарқ қилади.

ХУЛОСА

Имом Абу Юсуфнинг «Китоб ал-харож» асари ўз мавзуси ҳамда ислом таълимоти ҳанафий мазҳаби бўйича битилган илк ёзма ва фундаментал манбалардан саналиб, кейинги давр олимларининг асарларига дастурул амал вазифасини ўтаган ва ҳозиргача ўз қийматини йўқотмаган.

Асар мавзулари кенг қамровли бўлиб, унда нафақат ислом молияси ва солиқ масалалари, балки ислом фуқаролик ҳукуқи (ер-сувга эгалик, улардан фойдаланиш), ислом халқаро ҳукуқи (сияр) ҳамда ислом жиноят ҳукуқи (укубот) каби муомолот фикҳининг турли соҳалари ҳанафий таълимоти асосида тизимлаштирилган. Шу нуқтаи назардан, «Китоб ал-харож»ни ислом халқаро ҳукуқи (сияр) ва ислом жиноят ҳукуқи (укубот) мавзусида ёзилган китобларнинг ҳам биринчиси дейиш мумкин.

«Китоб ал-харож»да баён этилган қўпгина масалалар ислом динига ноўрин бериладиган эътирозларга асосли жавоб бўла олади. Исломи дини пайдо бўлганидан бошлаб тинчлик, бағрикенглик ва адолат дини ҳисоблангани ҳамда бу мезонлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлгани асар мавзуларида яққол кўзга ташланади. Хусусан, харож, ушр, закот, жизя каби солиқларни белгилаш ва уларни йиғишга оид масалаларда адолатли ижтимоий муҳофаза тизими ишлаб чиқилгани очиқ берилган.

Абу Юсуфдан кейин «харож» мавзусида ёзилган асарларнинг ўзига хос жиҳатлари бўлсада, мавзулар ёритилишида «Китоб ал-харож»дан андоза олинганини кўриш мумкин. Лекин, «харож» мавзусида ёзилган ҳеч қайси асар Абу Юсуфнинг асари каби кенгқамровли эмас, уларда фақат ислом молиясига оид мавзулар ўрганилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мансур, А. (2016) Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: Тошкент ислом университети.
2. Яҳё ибн Одам // Ҳусайн Мунис таҳқиқи. (1987) Китобу-л-харож. Қоҳира: Дору-ш-шуруқ.
3. Абу Убайд Қосим ибн Салом // Абу Анас Саййид ибн Ражаб таҳқиқи. (2007). Китобу-л-амвол. Қоҳира: Дору-л-ҳадю-н-набавий.
4. Қудома ибн Жаъфар // Муҳаммад Ҳусайн Зубайдий таҳқиқи. (1981). Китобу-л-харож ва синоату-л-китоба. Бағдод: Дору-р-рашид ли-н-нашр.
5. Абу Юсуф // Муҳаммад Иброҳим Банно таҳқиқи. (2017). Китаб ал-харож. Қоҳира: Дору-с-салом.

6. Абу Юсуф // Муҳаммад Абдулҳафиз Маносир таҳқиқи. (2009). Китаб ал-харож. Аммон: Дор кунузи-л-маърифати-л-илмийя ли-н-нашр ва-т-таъвизъ.
7. Абу Юсуф Йаъқуб б. Ибраҳим ал-Куфи // Пер. с арабского и коммент. А.Э.Шмидта; супракоммент к пер. А.С.Боголюбова; подготовка к изд., вступ. ст. и указ А.А.Хисматулина. (2001). Китаб ал-харадж. (Мусульманское налогообложение). Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение.
8. Имом Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий // А.Маннапова таржимаси. (2021). Китоб ал-харож. Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
9. Ибн Манзур. (2000). Лисану-л-араб. Байрут: Дору-с-содир.
10. Абу Мансур Азҳарий // Абдусалом Сарҳон таҳқиқи. (йили кўрсатилмаган). Таҳзибу-л-луғат. Қоҳира: Ад-Дору-л-мисрийя ли-т-таълиф ва-т-таржима.
11. Абул Ҳасан Мовардий // Аҳмад Муборак Бағдодий таҳқиқи. (1989). Китобул-аҳкоми-с-султонийя ва-л-валаяти-д-динийя. Қувайт: Мактабат дор Ибн Қутайба.
12. Алоуддин Самаркандий. (1984). Тухфату-л-фуқаҳо. Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя.
13. Шариф Журжоний // Муҳаммад Сиддик Миншавий таҳқиқи. (2004) Муъжаму-т-таърифот. Қоҳира: Дору-л-фазила ли-н-нашр ва-т-таъвизъ ва-т-тасдир.
14. Муҳаммад Шавконий // Абдурахмон Умайра таҳқиқи. (1994). Фатху-л-қодири-л-жомиъ байна фаннайи-р-ривояти ва-д-дирияти мин илми-т-тафсир. Байрут: Дору-л-вафо.
15. Ал-Хатиб ал-Бағдодий. (1996). Тариху Бағдод. Байрут: Ал-Кутуб ал-илмийя.
16. Ҳусайн ибн Али ас-Саймарий. (1985). Аҳбару Аби Ҳанифа ва асҳабуҳи. Байрут: Аълам ал-кутуб.
17. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ҳусн ат-тақозий фий сийрат ал-Имам Аби Юсуф ал-қозий. Қоҳира: Ал-Мактаба ал-азҳарийя лит-турос. – 106 б.
18. Ибн Халликон. (1994). Вафайат ал-аъйан ва анбау абнаи аз-заман. Байрут: Дар ас-содир.
19. Муҳаммад Абу Заҳра. (1960). Абу Ҳанифа ҳаятуҳу ва аъсруҳу, ароуҳу ва фикҳуҳу. Қоҳира: Дар ал-фикр аърабий.
20. Жузжоний А.Х. (2002). Исломи ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Тошкент: Тошкент ислом университети.

REFERENCES

1. Mansur, A. (2016). Qur'oni Karim: Ma'nolarining Tarjima va Tafsiiri. Tashkent: Tashkent Islamic University.
2. Yahya ibn Adam. (1987). Kitab al-Kharaj. (Ed. Husayn Munis). Cairo: Dar al-Shuruq.
3. Abu 'Ubayd Qasim ibn Salam. (2007). Kitab al-Amwal. (Ed. Abu Anas Sayyid ibn Rajab). Cairo: Dar al-Hadi al-Nabawi.
4. Qudama ibn Ja'far. (1981). Kitab al-Kharaj wa Sina'at al-Kitaba. (Ed. Muhammad Husayn Zubaydi). Baghdad: Dar al-Rashid li al-Nashr.

5. Abu Yusuf. (2017). Kitab al-Kharaj. (Ed. Muhammad Ibrahim Banno). Cairo: Dar al-Salam.
6. Abu Yusuf. (2009). Kitab al-Kharaj. (Ed. Muhammad Abdulhafiz Manasir). Amman: Dar Kunuz al-Ma'rifa al-'Ilmiyya li al-Nashr wa al-Tawzi'.
7. Abu Yusuf Ya'qub ibn Ibrahim al-Kufi. (2001). Kitab al-Kharaj (Musulmanskoje Nologoblozheniye). (Trans. and commentary by A. E. Schmidt, with supercommentary by A. S. Bogolyubov, and additional notes by A. A. Khismatulin). St. Petersburg: Peterburgskoye Vostokovedeniye.
8. Imam Abu Yusuf Ya'qub ibn Ibrahim al-Kufi. (2021). Kitab al-Kharaj. (Trans. A. Mannapova). Tashkent: Uzbekistan International Islamic Academy Publishing.
9. Ibn Manzur. (2000). Lisan al-'Arab. Beirut: Dar al-Sadir.
10. Abu Mansur al-Azhari. (n.d.). Tahdhib al-Lugha. (Ed. Abdusalom Sarhan). Cairo: al-Dar al-Misriyya li al-Ta'lif wa al-Tarjama.
11. Abu al-Hasan al-Mawardi. (1989). Kitab al-Ahkam al-Sultaniyya wa al-Wilayat al-Diniyya. (Ed. Ahmad Mubarak Baghdadi). Kuwait: Maktabat Dar Ibn Qutayba.
12. Ala' al-Din al-Samarqandi. (1984). Tuhfat al-Fuqaha. Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
13. Sharif al-Jurjani. (2004). Mu'jam al-Ta'rifat. (Ed. Muhammad Siddiq Minshawi). Cairo: Dar al-Fadila li al-Nashr wa al-Tawzi' wa al-Tasdir.
14. Muhammad al-Shawkani. (1994). Fath al-Qadir al-Jami' Bayn Fanay al-Riwaya wa al-Diraya min 'Ilm al-Tafsir. (Ed. Abdurrahman Umayra). Beirut: Dar al-Wafa.
15. Al-Khatib al-Baghdadi. (1996). Tarikh Baghdad. Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
16. Husayn ibn 'Ali al-Saymari. (1985). Akhbar Abi Hanifa wa Ashabuhu. Beirut: 'Alam al-Kutub.
17. Muhammad Zahid al-Kawthari. (n.d.). Husn al-Taqadi fi Sirat al-Imam Abi Yusuf al-Qadi. Cairo: al-Maktaba al-Azhariyya lil-Turath.
18. Ibn Khallikan. (1994). Wafayat al-A'yan wa Anba' Abna' al-Zaman. Beirut: Dar al-Sadir.
19. Muhammad Abu Zahra. (1960). Abu Hanifa: Hayatuhu wa 'Asruhu, Ara'uhu wa Fiqhuhu. Cairo: Dar al-Fikr al-'Arabi.
20. Juzjani, A. H. (2002). Islom Huquqshunosligi, Hanafiy Mazhabi va O'rta Osiyo Faqihlari. Tashkent: Tashkent Islamic University.

